

II SHO'BA

MOLIYA BOZORI BARQARORLIGINI TA'MINLASHDA INSTITUTIONAL INVESTORLAR ROLINI OSHIRISH

КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Валижонов Акмал

*Хусусийлаштириш ва давлат активларини
бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази бўлим мудури*

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган “...иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак. Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда”.

Корхоналарни трансформация қилиш вазифаларидан бири бу улардаги молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказиш ҳисобланади.

Дунё иқтисодиётида ХХ аср даврида бир қанча давлатлар ҳудудида фаолият олиб боровчи трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши бошланди. Бу эса ўз навбатида турли мамлакатларда жойлашган компанияларнинг баланс кўрсаткичларини бирлаштирган ва бутун дунё бўйлаб барча инвесторлар учун тушунарли бўлган ҳисоботларни тайёрлаш заруратини келтириб чиқарди. Бухгалтерия ҳисоби кўп асрлик тарихга эга ва бу тарихни шакллантирган турли мамлакатларда ўзларининг бухгалтерия мактаблари ва ўзларининг услубий хусусиятлари мавжуд.

Турли мамлакатларда жойлашган корпорацияларнинг ҳисоботларини барча учун тушунарли тарзда шакллантиришга молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари хизмат қилади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (инг. IFRS) ташқи фойдаланувчилар учун компаниянинг молиявий ҳисоботларини тайёрлаш қоидалари ва тартибларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўпламидир⁸⁸.

Умуман олганда молиявий ҳисобот стандартларининг мақсади молиявий ҳисоботларни тақдим этишда тафовутлар ва талқинларни танлашни камайтириш, маълумотларнинг сифати ва солиштирилишини яхшилаш, стандартларни бирлаштиришдан иборат. Ягона стандартлар турли компаниялар фаолиятини, шу жумладан халқаро миқёсда ҳам самаралироқ баҳолаш ва таққослаш имконини беради.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда — МҲҲС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро

⁸⁸ <https://finacademy.net/materials/article/chto-takoe-msfo>

стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611 сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлашлари белгиланди. Бундан ташқари Қарорга асосан илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» тасдиқланди ва унда қуйидагилар назарда тутилди:

бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва олий таълим сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар;

МҲХСнинг аҳамияти ва мазмунини тушунтириш бўйича чора-тадбирлар.

Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларини ислоҳ қилиш, шу жумладан уларда трансформация жараёнларини жадаллаштиришга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-83 сонли қарори ҳам катта ҳисса қўшади. Ушбу қарор билан 2023 — 2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати (жами 31 та корхона ва банклар) тасдиқланди.

Акциядорлик жамиятларини трансформация қилишда ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан бири бу уларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишдир.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда – МҲХС) ўтиш акциядорлик жамиятларига қуйидаги имкониятларни беради:

инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш,

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш;

молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини ошириш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларида трансформация жараёнларини самарали амалга ошириш ва уларда МҲХСни жорий этиш:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлайди;

молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ юритилишини таъминлайди;

замонавий бошқарувни, шу жумладан барча томонлар манфаатларини таъминлашни назарда тутувчи корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиради;

корхонанинг инвестицион жозибадорлигини оширади;

акциядорлик жамиятларида ахборотни ошкор қилиш тизимини такомиллаштиради.

XORIY TIJORAT BANKLARIDA AKSIYADORLAR BILAN MUNOSABATLAR YO'NALISHLARI

Bo'riyev Jamshid

O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi mustaqil izlanuvchisi

Bugungi iqtisodiyotning raqamlashuvi asosida moliyaviy munosabatlarni tashkil etish imkoniyatlari vaqt va makon nuqtai nazaridan nihoyatda qulay. Bunda ayniqsa birinchi navbatda moliyaviy munosabatlarni internet tarmog'i orqali masofaviy rejimda tashkil etishga ustuvorlik berilmoqda. Tijorat banklari tomonidan raqamli bank xizmatlarini kengaytirib borish orqali mobil banking xizmatlari, onlayn omonat va depozitlar, onlayn kreditlash amaliyotlari rivojlanib bormoqda. Mazkur jihat tijorat banklari raqamli transformatsiyasi sifatida namoyon bo'lmoqda. Bu istalgan vaqtda hisob-kitoblarni talab qilishi bois, tijorat banklaridan 24/7 rejimda lahzalik likvidlikni ham talab qilmoqda. Raqamli transformatsiyadan biror bir bir tijorat banki chetda qoladigan bo'lsa, shubhasiz bugungi iqtisodiyotning raqamlashuvi sharoitida keskin raqobat muhitida inqirozga yuz tutishi haqiqat. Raqamli imkoniyatlar mijozlarga raqamli bank xizmatlari ko'rsatish bilan birga mulkdorlar, ya'ni aksiyadorlar yoki investorlar bilan moliyaviy munosabatlarning ham raqamlashuviga imkon yaratgan. Yuqoridagilar asosida bugun raqamli bank, onlayn bank turlari milliy va jahon iqtisodiyotida ommalashib ulgurdi.

Bugungi global raqobat va jahon iqtisodiyotidagi moliyalashuv sharoitida tijorat banklari faoliyatining barqarorligi va raqobatbardoshligi ko'p jihatdan manfaatdor tomonlar, ayniqsa aksiyadorlar bilan samarali moliyaviy munosabatlarni tashkil etishga bog'liq. Chunki aksiyadorlar bilan o'zaro manfaatli moliyaviy munosabatlarning o'rnatilishi tijorat banklariga ham arzon kapital jalb qilinishiga asos bo'lib xizmat qiladi. Bu orqali jahon bank tizimlarida aksiyadorlar kapitalining rolini yana oshirilishiga erishiladi. Ularning faol ishtirokini ta'minlash va korporativ boshqaruvning ochiqligini oshirish tijorat banklarida ham asosiy strategik yo'nalishlardan biriga aylanadi.

Zarurat va alohida dolzarblik shundaki, aksiyadorlar bilan o'zaro manfaatli moliyaviy munosabatlarning yo'lga qo'yilishi shubhasiz investitsion jozibadorlikni oshiradi. Mazkur jihat o'z navbatida tijorat banklari kapitalini, xususan xususiy kapitalini oshiradi, shu bilan birgan milliy va xorijiy investorlar ishonchini mustahkamlaydi, milliy va xalqaro bozordagi nufuzini yaxshilaydi. Masalan, 2024 yilda AQSh, Buyuk Britaniya va Yaponiya kabi mamlakatlarda bank aksiyalariga xususiy investorlar ulushi 48-52 foizni tashkil etgan. Bu ko'rsatkich aksiyadorlar bilan shaffof va samarali moliyaviy munosabatlarning qanchalik muhim ekanini ko'rsatadi. Shu jihatdan xorijiy tajriba O'zbekiston tijorat banklari uchun ham o'rganishga, tadqiq qilishga arziydigan muhim namuna hisoblanadi. Chunki xorijiy banklardagi aksiyadorlar bilan moliyaviy munosabatlar tizimi – dividend siyosati, foydani taqsimlash, korporativ axborotlar ochiqligi va o'zaro qayta aloqa mexanizmlari orqali rivojlanib kelmoqda. Bu kabi omillar yuqorida qayd etganimizdek milliy va global raqobatdoshlikda shubhasiz muhimdir.